



Кўнгилнинг иши —  
кўнгил иши

Юртимизда нечта волонтер бор? Улар қайси йуналишларда фаолият кўрсатади? Қандай муаммоларга дуч келяпти? Узи кўнгиллар характерининг меъёру мезонлари мавжудми?

3-саҳифала

“Манзарали” дарахлар

Сўнги пайтда айрим марказий кўча ва хиёбонларда манзарали дарахлар эмас, каллақланган, йиқитилаётган “манзарали дара” лар кўпаймоқда...



3-саҳифала

Буюк мақсад  
билан яшанг!

Yangi loyiha



КЕЛАЖАКДАГИ ЭНГ КАТТА МАҚСАДИ:

“Комил инсон сифатида шаклланиш, юртдошларимиз ҳаёти янада фаровонлашишига ўз хиссасини қушиш.”

Кейинги сонларда

O'ZBEKISTON  
YOSHILAR  
ITTIFOQI



# YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 58 (16363)  
20-IYUL, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz yoshlarovoz@mail.uz @yoshlarovoz

## Yuksalish

### Бепул жой ва бошқа қулайликлар

Юртимизда IT соҳасидаги биринчи технопарк ташкил қилинди



Юридик шахс мақомига эга янги муассаса Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан таъсис этилган. Технологик

парк ҳудудидаги инфратузилма резидентларга фойдаланиш имконини беради. Замонавий бинонинг илк навбати 24 июль куни фойдаланишга топ-

ширилади. Йил охиригача қурилиш ва жиҳозлаш ишларини тўлиқ якунлаш кўзда тутилган.

— Технопарк фаолияти Хиндистон тажрибаси асосида йўлга қўйилмоқда, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаров. — Бу борадаги келишувга Президентимизнинг 2018 йил 30 сентябрь – 2 октябрь кунлари Хиндистон Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган. Маслаҳатчи сифатида 60 га яқин технопаркни бирлаштирувчи “Software Technology Parks of India” компаниясидан мақоли мутахассисни таклиф қилдик. Технопаркимиз резидентлигига ҳам стартлар, ҳам IT-компаниялари қабул қилиниши мумкин. 2028 йил 1 январгача уларга солиқ, божхона ва бошқа турдаги имтиёзлар тақдим этилади. Замонавий билимларга эга, креатив фикрлайдиган ёшлар учун инкубация ва акселерация дастурларимиз бор. Бундан ташқари, технопарк ҳудудида IT-академия ҳамда коворкинглар фаолият кўрсатади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда даромадли бизнес-лойиҳалар яратиш ҳамда дунё бозорига олиб чиқишга замин ҳозирлайдиган стартап экотизимнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Давоми 2-саҳифала

## Imkoniyat

### 137 кишига иш тайин



Ёшлар иттифоқининг Наманган шаҳар кенгаши маҳаллий ҳокимлик ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда чет элдан ишлаб ёки жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, шунингдек, маҳсул ҳисобга олинган фуқаролар учун “АРТ СОФТ ТЕХ” корхонаси ҳудудида меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Келганларга икки мингдан ортик бўш иш ўрни таклиф этилди. Ёшлар

тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, меҳнатга оид қонунийлик ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига доир зарур маълумотлар билан ҳам таъминланди.

137 нафар ҳамюртимизга халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

Азаматжон МАХМУДОВ

## “Yoshlar — kelajagimiz” dasturi — amalda

### Келажакка сармоя




“Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг Сирдарё вилояти ҳамда ҳудуддаги туман (шаҳар) филиаллари фаолияти юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2018 йилнинг июль ойидан бошлаб, маҳаллалар кесимида 86 нафар маҳаллий депутат, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва “Фидойи ёшлар” отрядлари вакилларидан иборат 154 та кичик гуруҳлар тузилган, улар ўтказган сўровномалар натижаларига кўра, 40 минг нафардан зиёд ёш ишсиз экани аниқлангани таъкидланди. Натижада 779 нафар ёш иш билан таъминланди. 841 нафари касб-хунар ўрганиш курсларига ўқишга жойлаштирилиб, 298 нафари тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. 2 нафарига фаолият кўрсатиш учун бино ажратилди.



Тижорат банклари томонидан ёшларнинг 174 та бизнес лойиҳасига 9 миллиард 721 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Натижада 566 та янги иш ўрни яратилди.



Жорий йилда вилоятда 58 миллиард сўм қийматидаги 404 та бизнес лойиҳа молиялаштирилиб, 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бугунга қадар 88 та бизнес лойиҳага 7 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.



Вилоят миқёсида қурилиши режалаштирилган “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-маркази ҳамда 2 та “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси фойдаланишга топширилди.

Анвар ТҮЙЧИЕВ

## Ilm sarhadlarida

### Тадқиқот ва таққослаш имконияти

Инновацион ривожланиш вазирлиги 64 нафар ёш тадқиқотчини Беларусь Республикасига тажриба алмашиш учун жўнатди.

Вазирлик делегациясининг 2019 йил 8 – 11 апрель кунлари Беларусь Республикасига хизмат сафари чоғида ўтказилган Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича биринчи Ўзбек — Беларусь қўшма мажлисида ўзбекистонлик ёш

олимларни Беларусдаги нуфузли олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларига қисқа муддатли илмий амалиётга юбориш бўйича келишувга эришилган эди.

Шунга мувофиқ, 29 киши Беларусь Миллий фанлар академиясида,

15 киши Беларусь Миллий университетида, 15 киши Беларусь Миллий техника университетида, 5 киши Максим Танк номидаги Беларусь педагогика университетида амалиёт ўтайди.

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,  
Жаҳонгир ХУДОЙБЕРДИЕВ



## “Қабул – 2019” қандай ўтади?

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида “Ёшлар пресс-клуби”нинг навбатдаги сессиясида мазкур саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди.

2-саҳифала

## Замонавий ёндашув табиатни асрайди



Бугунги иссиқ кунлар далалардаги пахта ва бошқа экинларнинг гуркираб ривожланишига замин яратмоқда. Ўз навбатида экинларга сув етказиб бериш масаласи ниҳоятда долзарбдир. Афсуски, баъзи вилоятларда сув тақчиллиги кузатиляпти.

Хусусан, жорий йилда Сирдарё туманида минг гектарли гўза сувсиз қолди. Мамакатимизда 4,3 миллион сўғориладиган ер бўлиб, атиги 7 фоиз ҳудудда сувни тежовчи (томчилатиб сўғориш) ускуналар ўрнатилган. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилган 80 фоиз сув қўшни мамлакатлар ҳудудидан келади. Бирок Тожикистон ва Қирғизистон улкан сув омборлари тиклаб, ГЭСлар қуришга киришган. Бу эса келгусида аҳоли сонига катта Ўзбекистондек мамлакат учун сув таъминоти муаммосини ўткирлаштириб юбориши мумкин.

Томчилатиб сўғориш жуда кўп сувни тежайди. Аммо фермерлар бу усулни яхши ўрганиши ва қаерда, қанча фойда келтиришини билиши

зарур. Махсус қувурларнинг нархи баланд. Жаҳон бозоридан нархи анча арзон бўлган пахтанинг даромадидан харажатни қоплаш кийин.

Шу боис фермерлар томчилатиб сўғориш ускунасини сердаромад экинларга қўлмамоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, бу тизимни бутунлай давлат ҳисобидан молиялаш мумкин. Чунки сувни асраш маҳсулот нархи қимматлашишдан кўра муҳимроқ.

Дехқонлар бу тизимни тўла ўзлаштириб олганларидан кейин томчилатиб сўғориш ортидан фойда кўра бошлайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари ҳам ўринли: “Сувни тежовчи технологияни қўллаш ҳисоби-

га 50-60 фоиз сувни иқтисод қилиш мумкин. Биргина кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш сувни 10-15 фоизга, томчилатиб сўғориш эса 35-65 фоизгача тежаш имконини беради. Лекин томчилатиб сўғориш тизими жуда кам майдонларда жорий этилган, ҳолоқ.

Томчилатиб сўғориш сув захиралари кам мамлакатлар учун жуда самарали усул. Исроилда ҳаётга татбиқ этилган технология туфайли мева-сабзавот етиштириш ҳажми 60-70 фоизга ошган. Бундан кўринадики, қишлоқ хўжалигининг келажакда сувни тежаш технологияларига боғлиқ.

Чиккидилар муаммоси. Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитаси маълумотига кўра, ҳар қуни республикада 12-13,5 тонна қаттиқ мансий чиккинди тўланади. Бу йилга 5 миллион тонна дегандир.

“СУВНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚўЛЛАШ ҲИСОБИГА 50-60 ФОИЗ СУВНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ МУМКИН.



Давоми 2-саҳифала



Бепул жой ва бошқа қулайликлар

Бошланиши 1-саҳифала



Инкубатор ғоясини қандай қилиб махсулотга айлантиришни билмайдиган стартаперлар учун мўлжалланган.

IT-технопарки очилиши муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида муассаса директори Фарход Иброҳимов инкубация ва акселерация дастурлари хусусида батафсил тўхталиб, қўйилганларини маълум қилди.

бухгалтерия, маркетинг, менежмент каби соҳалар бўйича зарур билим ва кўникмалар эгаллайди. Акселерация стартап экотизимининг иккинчи босқичи саналади. Лекин инкубациядан фарқли ўлароқ, мазкур дастурда нафақат ёш жамоалар, балки тажрибали IT-компаниялар ҳам иштирок этиши мумкин.

15 фоизи худудларда истикомат қилади. Ўртача ёши 27 да. Борди-ю, вилоятлардаги ёшларнинг стартап-лойиҳалари маъқулланса, технопарк уларни ётоқ билан ҳам таъминлайди. Стартаперларга ишлаш учун 20 квадрат метргача жой, техника ва жиҳозлар, лаборатория ускуналари, бепул тақдим этилади.

Матбуот анжуманида "Software Technology Parks of India" компаниясининг маъсул вакили жаноб Жайрам Партакартига ҳам сўз берилди. Мехмон Ҳиндистоннинг IT соҳасидаги юксалиш йўли, бунда аҳолининг инглиз тилини яхши билиши ва таълим сифатига қаратилган эътибор ҳал қилувчи аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлади.

Н.БАҲОДИРОВА

"ҚАБУЛ – 2019" қандай ўтади?

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида "Ёшлар пресс-клуби"нинг навбатдаги сессиясида мазкур саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти атрофича тushунтирилди.

2019/2020 ўқув йили қабулдан бошлаб абитуриентларга тест синови топирилди. Фанлар мажмуаси бир хил бўлган учтагача бакалаврият таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқини бериш, тест синовларини июль-август ойларида ўтказиш, тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан (ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар бундан мустасно) тест синовларида иштирок этиши учун энг кам иш ҳақининг ярим баравари миқдорида тўлов ундириш каби янгиликлар жорий этилди.


нинг расмий веб-сайтида эълон қилиш белгиланди. Давлат тест маркази мутаасаддиларнинг маълумотига кўра, жорий йилда олий таълим даргоҳининг бакалаврият йўналишида тахсил олиш учун 1 миллион 66 минг 925 нафар абитуриентдан ҳужжат келиб тушган. Бу ўтган йилларга нисбатан энг катта кўрсаткич саналади. Ҳужжат топирилганларнинг 49,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Абитуриентларнинг 150 минг нафаридан ортиги эса 1990 йилдан олдин тутилган шахслардир. Энг ёши кичик абитуриент 14 ёшда бўлиб, Қашқадарё вилоятида биология йўналишига, энг ёши катта абитуриент эса ҳоразмлик 87 ёшли отахон олий ўқув даргоҳининг жисмоний тарбия йўналиши бўйича ҳужжат топширган.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Замонавий ёндашув табиатни асрайди

Бошланиши 1-саҳифала

Ўзбекистон худудларида 45 тоннагача электрон чиқинди, жумладан, электрон-маиший техника чиқиндилари ҳосил бўлади. Бу Марказий Осиёда Қозоғистондан кейинги иккинчи кўрсаткич ҳисобланади. Айни вақтда Ўзбекистонда маиший чиқиндиларни қайта ишловчи 317 та корхона фаолият юритади. Уларда полимер, макулатура, шиша, резина ва бошқа турдаги чиқиндилар қайта ишланади.



Ер тақсимлашда шахслар, айниқса, ҳокимлар аралашуви вазиятни янада чигаллаштирамоқда.

Ердан оқилона фойдаланиш. Қишлоқ аҳоли пунктлари ва маҳаллаларда, айниқса, олис худудларда ердан фойдаланиш ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш ишлари қоникарсиз. Мавжуд ҳодимлар сон камлиги, ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобини юритиш имконини бермаяпти. Хусусан, Жиззах вилояти умумий ерларининг 10 фоизи захирода турганлиги аниқланган.

рилмаслиги натижасида ерларнинг шўрланиши ва шу каби бир қанча муаммолар келиб чиққан. Бутунги кунда фойдаланиш учун ер олиш муаммоси деҳқонларни қийнамоқда. Ер тақсимлашда шахслар, айниқса, ҳокимлар аралашуви вазиятини янада чигаллаштирамоқда. Бу вазифа билан керакли мутасадди ҳодимлар шуғулланиб, ҳақиқий деҳқонларга ер берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Динара ЮСУПОВА

Йинойат ҳақиқати ва адолати Ўйламай босилган қадам

Ҳар бир фуқаро адолат ҳукмрон жамиятда яшашни истаيدди. Қонулар халқ манфаатлари йўлида яратилиши ва ишлаши керак. Юртимизда жиноят қўчасига адашиб кириб қолган фуқаролар, шу жумладан, ёшлар қилган ишидан пушаймонлиги инобатга олиниб, амнистия асосида озодликка чиқарилади.



Кўриниб турганидек, давлат собиқ маҳбусларнинг жамиятга қайтиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишдан манфаатдор. Афсуски, орамизда берилган имкониятдан тўғри фойдалана олмаётганлар йўқ эмас.

Искандар Душанов 29 ёшигача икки мартаба судланди. Аввалига Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг ҳукмига кўра, уч йил озодликни чеклаш жазосини олган эди. Искандарнинг ҳали ёш экани ҳамда вояга етмаган фарзанди борлиги инобатга олиниб, Тошкент шаҳар Олмасор тумани суди ажрими билан у 2019 йил 18 февралда муддатидан олдин озод этилди. Аммо уйига қайтганига беш кун ўтар-ўтмас яна жиноятга кўл урди. Кўчада чиққан жанжал натижасида ошхона пичоғи билан С.Ҳасановга оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда айбдорга Жиноят кодексининг 104-моддаси, 2-қисми, "е" банди ҳамда 57-моддасига асосан уч йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

минг сўм маблағни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. 2019 йил 20 февралда яна шу бозор худудида жиноят содир этиб, ички ишлар ҳодимлари томонидан такроран қўлга олинди.

Давлатимизнинг ишончини оқлай олмади, учинчи мартаба жиноятга кўл урган Сакина Қудратова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169- ва 57-моддаларига асосан айбдор деб топилиди. Унга олий маорининг ўттиз фоизини ушлаб қолиш шарти билан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Мақсадимиз мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор топтиришдир. Аммо баъзи ёшлар берилган имкониятлардан унумли фойдаланмай, қайта-қайта жиноят содир этиши киши таъбини хира қилади. Нима бўлганда ҳам қадамимизни ўйлаб босайлик, азизлар!

Баҳриддин ИКРОМОВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод тумани суди судьяси



Фуқаролик pozitsiyasi

Мамлакатимиздаги энг устувор вазифалардан бири бу кучли демократик фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистонни келажакда ривожланган давлатлар қаторига киритишдан иборат.

Тарбия оиладаги муҳитга боғлиқ

Жисмонан соғлом, интеллектуал саноҳияти юқори, маънавияти юксак — баркамол авлод олий мақсадларимизнинг бош қафолати ҳисобланади. Қоғал инсон, аввало, оилада тарбия топади. Оида шаъни халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос гоит муҳим қадриятлардан биридир. Шунинг учун ҳам соғлом оилавий муҳитни шакллантириш, шу орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сийёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Оилада фарзанд тарбияси тўқис бўлиши учун ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар миллий урф-одатларга асосланган бўлиши кераклиги уқтирилади. Шарқ халқларида бу муносабатлар юқори даражада шакланганки, уни ҳадисларда, "Қобуснома", "Темур тузуклари" каби дурдона асарларда ҳам учратамиз.

Юрт тинч, турмуш фаровон бўлса, оилада осудлик, бахту саодат бўлади. Ахир остана хатлаб уйга киришимиз билан жондан азиз бўлган фарзандларимизнинг биргина табассумидан кўнгли ёришиб, бор чарчоқлар эздан чиқиб кетиши бор гап. Тотув оилада ўсган фарзанд жамиятга фойда келтириши айни ҳақиқат.

Гўзалхон ТОШХОНОВА, Учкўприк туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиб

Yoz — o'tmunda so'zi

Қувноқ таътил



Сурхондарёдаги "Амулар" халқро ёшлар оромгоҳида Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши қошидаги "Қамалак" болалар ташкилоти "Ёз"и "Қамалак" билан" тадбирини ўтказди. Ёшларнинг ёзи таътилин мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзи ва муталаа маданиятини тарғиб қилиш мақсадида спорт мусобақаси ва интерфаол ўйинлар ташкил этилди. 150 нафарга яқин ўғил-қиз "Қувноқ бекалар", "Иншолар танлови", "Жонли шахмат", "Қувноқлар ва туққолар", югуриш, аркон тортиш ва бошқа спорт мусобақаларида катнашди. Худди шундай тадбир Жиззах вилоятининг Арнасой туманида ҳам ўтказилди. "Ёзи "Қамалак" билан!" лойиҳаси доирасида болақонларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириб, маънавий юксалиши ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам берадиган тадбирлар ташкил этилди. Асфальтга расм чизиш танлови, "Билдоғ болалар", "Топган тополук", "Эртакчи болажон" ва бошқа интерфаол ўйинлар шулар жумласидан.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА, Элдор НАВРЎЗОВ

Seminar Ҳамкорлик ва хабардорлик

Хивадаги "Хива гулшани" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Ўзбекистонда сув ва атроф-муҳит масалалари бўйича хабардорликни ошириш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақасидаги Экология маркази ва унинг Ўзбекистондаги филиали ҳамда "Сувчи" жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ёшлар иттифоқи вакиллари, оромгоҳлардаги ўқувчилар ва мутахассислар иштирок этди. Семинарнинг илк кунда мутахассислар сувнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, минтақамиз ва мамлакатимиздаги сув ресурслари, Орол денгизининг қуриши туфайли юзага келган салбий ҳолат ҳақида болаларга маълумот берди. Республикадаги дарёлар, каналлар, сув омборлари ва бошқа сув хазиналари тўғрисида хўжик қилувчи "Ўзбекистон сув хазиналари" номли видеоролик намойиш этилди. Худди шундай семинар Урганч давлат университетда ҳам ташкил этилиб, иштирокчиларга Ўзбекистонда маиший ва саноат қиқиндиларини тўплаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш бўйича тахний материаллар тақдим қилинди.

Сумбулой НУРМЕТОВА

**Dolzab mavzu**



# Кўнгиллининг иши — Кўнгили иши

Юртимизда нечта **ВОЛОНТЁР** бор? Улар қайси йўналишларда фаолият кўрсатади? Қандай муаммоларга дуч келяпти? Ўзи кўнгиллилар ҳаракатининг меъёру мезонлари мавжудми?

Мамлакатимиз дунёга тобора очилиб бораётган шароитда шу каби саволларга аниқ, жўяли жавоб топиш жуда муҳим. Ахир, Ўзбекистон халқро ҳамжамиятда муносиб ўрнини эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Йирик форумлар, симпозиумлар, нуфузли спорт мусобақаларига мезбонлик қила бошладик. Бундан бунёдга уларнинг сони фақат ортиб бориши аниқ. Бундай пайтда делегацияларга туну кун беминнат хизмат кўрсатадиган, ташкилий масалаларга кўмаклашадиган, давлатимизнинг имижини кўтара оладиган ёш, ғайратли ва хушфەъл волонтерлар кўмаги аини мудоао.

Ўзбекистонда волонтерлик ҳаракати озми-кўлими шаклланиб кетди. Баъзи олий ўқув юртларида кўнгиллилар гуруҳлари фаолият кўрсатади. Қизиқишига қараб турли йўналишларда хайрия акцияларини ўтказиш учун вақти, маблағи ва кучини аямайдиган тенгдошларимиз ҳам талайгина. Фақат шу чоққача волонтерларнинг бошини биров қовуштирмас, муаммоси билан қизиқмас, руҳлантириш ва рағбатлантиришга интильмас эди. Ҳамма ўз ҳолдича, имкони борича ҳаракат қилган, қилиб қеляпти ҳам.

Вақоланки, кўнгилиларда жамоатчилик фаолиятига академик таълимнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Волонтерларга нафақат эхтиёж, балки ҳурмат ҳам юқори. Узоққа бормайлик, кўшни Қозғистонда кўп минг кишилик (асосан ўқувчи ва талабалардан иборат) Волонтерлар лигаси тузилгани, Россияда эса Қишқик олимпиада ўйинлари, дунё ёшлари фестивали, футбол бўйича жаҳон чемпионатига ўхшаш кенг қўламли

иттифоқи ўз зиммасига олмақда. Яқиндагина ташкилот Марказий Кенгаши аппаратида талабалар ва волонтерлар билан ишлайдиган бўлим очилди. Журналистлар ва ёшлар иштирокидаги матбуот анжумани чоғида масъуллар мазкур ташаббуснинг мазмуни-моҳияти ҳамда истиқболдаги режалар хусусида батафсил маълумот берди.

— Даставвал ҳар бир худудда кўнгили



## ВОЛОНТЁРПАР МАКТАБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН

тадбирларнинг нуфузи ва савиясини таъминлашда кўнгили ёшлар салоҳиятига таянилиши аини ҳақиқат. Салоҳият Ўзбекистонлик қорақўзларда ҳам етарли. Уни тўғри йўналтириб, максимал равишда фойдаланиш керак, ҳолос.

Мазкур миссияни Ўзбекистон ёшлар

ёшлар билан ишлайдиган координаторларни тайинлаб олмақчимиз, — дейди янги бўлим раҳбари Ойбек Раҳмонбердиев. — Бунинг учун штат бирликлари ажратилиб, ходимларга маош тўланади. Келгусида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар учун грантлар ажратиш ҳам кўзда тутилган.



## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ТАЛАБАЛАР ВА ВОЛОНТЁРПАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Бир қанча хорижий давлатлар, шу жумладан, МДҲ мамлакатлари тажрибасини ўргандик. Волонтерлик ҳаракатини муносиб даражага олиб чиқиш бир кунда битадиган иш эмас. Шошма-шошарлик билан биров натижага эришиб бўлмайдик. Ҳар бир қадамини обдон ўлчаб ва ўйлаб босиб керак. Шу нуктага назардан, биз, аввало, юртимиздаги волонтерлар билан яқинлаб танишиб олиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўрганишни, муаммоларига қулқол тутишни мақсад қилдик. Бугунги мулоқотта ҳам кўпларини таклиф қилганмиз. Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимиз: Ёшлар иттифоқи барча волонтерларни ўз қаноти остига олмақчи эмас. Аксинча, биз ранг-баранглик, кўнгили ёшлар гуруҳларининг қўлайлиги, волонтерлик ҳаракатининг соҳавий диапазоли кенгайиши тарафдоримиз. Шундагина ривожланиш бўлади! Масалан, қимдир бемор болаларга, бошқа биров қарияларга ёрдам бермоқчи. Яна қайсибир гуруҳ пиёда ва ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиши

устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмоқчи. Марҳамат, ҳеч қандай чеклов йўқ, кўнгиллилар бирлашиб, эзгу ташаббусларини бемалол рўёбга чиқараверсин. Бизнинг вазифамиз фақат волонтерлар фаолиятини мувофиқлаштириб, услубий, ҳуқуқий, керак бўлса, молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат. Қолаверса, мазкур соҳани ривожлантириш, жумладан, зарур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаб, ҳуқуқатга етказамиз. Тез орада юртимизда биринчи волонтерлар мактаби ҳам ташкил қилинади.

Дарвоқе, ташаббус Аъзамхўжа Расуловга тегишли. Бу жонқуяр йигит етти йилдан бун волонтерлик билан шугулланади. Аини вақтда “Муъжизалар дари” лойиҳасига бош-қош. Матбуот анжуманида у Волонтерлар мактаби қачон, қандай тартибда ва нима мақсадда фаолият кўрсатиши ҳақида маълумот берди.

— Волонтер, қайсибир маънода, қаҳрамон, — таъкидлади Аъзамхўжа, — бошқа томондан сармоядор ҳамдир. Сабоби яхшилик қилиш, бировнинг

ҳожатини чиқариш учун вақтини сарфлайди. Вақт эса пул дегани. Лекин волонтер ҳеч қачон моддий нафақат қутмайди. Кўнгиллиликнинг моҳияти ҳам шунда. Жуда кўп волонтерлар билан шахсан танишимиз. Улар жамоатчилик фаолияти билан ўзи билганича шугулланиб келмоқда. Аммо ҳар қандай соҳада юксалиш учун қўшимча таълимга эхтиёж сезилади. Шу боис менда Волонтерлар мактабини очиб ҳоҳси туғилди. Мактаб ёзи ва кишик мавсумларга бўлиниб, ёшлар таътил вақтида беш

## ШУ ЧОҚҚАЧА ВОЛОНТЁРЛАРИМИЗНИНГ БОШНИ БИРОВ ҚОВУШТИРМАС, МУАММОСИ БИЛАН ҚИЗИҚМАС, РУҲЛАНТИРИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШГА ИНТИЛЬМАС ЭДИ



қулик ўқув машғулотирига жалб қилинади. Ўзимизга ўхшаган тажрибали волонтерлардан етакчилик маҳорати, мулоқот маданияти, нотиклик санъати, жамолада ишлаш каби зарур қўнмакларни ўзлаштирадди. Кейин улар ўзлари ҳам ўқувлар ташкил қилиши ёки волонтерлар гуруҳини тузиб, муайян лойиҳага қўл уриши мумкин.

Махсус тақдирот ва чиқишлардан сўнг волонтерлик билан шугулланаётган ёки мазкур фаолиятга қизиқувчи ёшларнинг фикрлари тинланди. Ёшлар иттифоқига қарата аччиқ гаплар ҳам айтилды. Масалан, икки йил мукаддам Иттифоқ қошида “Family of volunteers” жамоасига асос солган тажрибали волонтер — Зафар Анваров қисқа фурсатда юзлаб йигит-қизларни ўз атрофига жамлаб олган, аммо олддигина хона ва компьютерга ёлчиманидан қуонди.

— Бундай муносабатдан, очиги, ҳафсалам пир бўлиб, жамоани тарқатиб юборишга мажбур бўлдим, — дейди Зафар. — Устига-устак, қандай лойиҳага қўл урмагин, ўн та шиклотдан руҳсат олиб, бехисоб хат-хужжага тайёрлашинг керак. Бюрократия, қозғобозлик кўнгиллилар қалбидиги иштиёқни сундирадди. Марказий Кенгаш тизимда фаолият бошлаган янги бўлим шу каби тўсиқларни бартараф эттишга кўмаклашса, нур устига нур бўларди.

Наргиза УМАРОВА

# “Манзарали” даралар

Халқимизда “Бирни кессанг, ўнни эк”, деган нақл бор. Афсуски, бу ҳикмат бугун аҳамиятини йўқотгандай. Сўнгги пайтда атрофимизда манзарали дарактлар эмас, қаллакларанган, йиқитилаётган “манзарали даралар” кўпаймоқда. Айрим одамлар бирни кесгани етмагандек, яна “ўн”нинг бошига етишга ҳам тайёр.



**82** та дарактнинг қурилиши режалаштирилган бўлиб, ташкилотчиларга Паркент тумани ҳоқимлигидан **229,9** миллион сўмга баҳоланмоқда.

**280** та қайрағоқ, айлант, арча ва акация дарактлари кесиб ташланган. Бу ерда спорт мажмуаси қурилиши режалаштирилган бўлиб, ташкилотчиларга Паркент тумани ҳоқимлигидан **198** та даракт ортиқча кесилган.

Ўсимлик дунёсига етказилган зарар **229,9** миллион сўмга баҳоланмоқда.

ятида флора ва фаунага асраш учун чора кўрилиб, экология масаласи биринчи ўринга қўйилганда биз табиатга тобора кўпроқ зиён етказилмоқда. Тўғри, “Yashil qalqon”, “Yashil tashabbus” каби

қузатилаётгани ва бугун бу борада назоратни қучайтириш лозимлигини таъкидлади. Шаҳар худудида дарактларни атмосферанинг ифлосланиш даражасига қараб, илмий асосланган ҳолда экиш кераклиги қайд этилди. Брифинг қатнашчилари аҳоли Ўзбекистонда Экология ва атроф-муҳитини муҳофазати билан давлат қўмитасининг фаолиятдан қоникмаётганини, қўмита ваколатини қангайитириш лозимлигини таъкидлади. Акс ҳолда айрим “дарактхўр” бойваччалар “Жаримасини тўласам бўлдим, икки баравар бераман!”, дея яшил табиатга зарар етказишда давом этиши мумкин.

“Чинор ва бошқа дарактларни кесан ва нобуд қилганларга жаримадан ташқари 15 йилгача қамқоқ жазосини, 1000 донна ниҳол экиш, 1 йил давомида қўлда саксовул экиш каби мажбурий жазоларни ҳам тайинлаш керак, — деб ёзди ЎзЛиДеП депутати Нуриддин Сайидинов ижтимоий тармоқдаги саҳифасида. — Уларнинг

**Дарактларни кесиш билан боғлиқ масалалар билан Давлат Бионазорат инспекцияси Тошкент шаҳар бўлимсининг (+99871) 268-36-86 рақамли ишонч телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.**

Абдулазиз АХМЕДОВ

Охири пайтда дарактлар билан боғлиқ содир этилган йирик жсиноятларга эътибор беринг:

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани “Айвонхон” қўчасида умумий ҳажми 786 миллион сўмдан зиёд даракт кесилган ва Жиноят кодексининг 198-моддасига биноан жсиноят иши қўзғатилган;

Чиланзор туманидаги Олимпия захирали мактабда нархи 159 миллион сўмдан ортиқ даракт ноқонуний кесилгани учун ҳам шу модда билан жсиноят иши қўзғатилган;

Яқинобод туманидаги “Ватандош” маҳалласида эса қўмити 142 миллион сўмдан ортиқ бўлган даракт ноқонуний кесилган ва бу ҳолатлар бўйича суриштирув ишлари олиб бориляпти...

Олимпларнинг аниқлашчи, Швеция

янинг Фулу тоғидаги Тжикко дарактларнинг ёши 9 минг йилдан зиёд. Текширувлар унинг илдизи дярли 100 аспилгари пайдо бўлганини кўрсатди. Дунёда ёши улуг дарактлар маҳсуе белгиланиб, давлат муҳофазасига олинадди. Бизда-чи?

Маълумотларга қараганда, 1 куб метр чинорнинг қиймати 800-1000 АҚШ долларига тенг: Уни кесиб, пуллаётганлар экология бузилса, эртага ўз фарзандларини, юртдошларни зарар қўришини ўйлармикан? Қўчаларимизга қўрқ бериб, хавони тозалаб бераётган дарактлардан мебель ясаб сотаётганлар-чи? Улар умрида битта бўлса ҳам ниҳол экиб, унга сув қуйганмикан? Дунё ҳамжамии



# Mutolaa san'ati

### Persi Bishi Shelli

Persi Bishi Shelli — 1792-yili Angliyada tavallud topgan. Uning ijodida she'riyat, novella, ocherklar muhim o'rin tutadi. Shoira-adabiyotshunos 1822-yilda Italiyada vafot etadi.

# Poeziya himoyasi

Poeziya tasavvurlarning mujassamligidir, poeziya — insoniyat tengdoshi. Inson, bu — soz, turli tashqi ta'sirlarga muhtalo, xuddi o'zgaruvchan shamol Eola arfasiga urilib, undan turfa ohanglar taratib turgani kabi. Ammo insonda, balki barcha tirik mavjudotlarda ham arfadan ko'ra mukammalroq bir mo'jiza borki, u nafaqat musiqa yaratadi, ohanglar va harakatlar tufayli paydo bo'lgan ichki kechinmalar uyg'unligini ham vujudga keltiradi.



Agar arfa mug'anniy barmoqlari ta'sirida taralayotgan ohanglarning me'yori o'zi belgilay olganida edi, unda ham uyg'unlik bo'lardi. Butun olamni unutib, o'zi yolg'iz o'yinga berilib ketgan bolakay beixtiyor shodligini ovoz va harakatlar bilan ifodalaydi; uning qiliqlari, xirgoyisining ohanglari qalbidagi yoqimli kechinmalar bilan to'g'ridan-to'g'ri bog'liq bo'ladi, tuyg'ularini aks ettiradi. Shamol to'xtasa-da, arfa oniy lahza titrab, ohang taratib turganiday, bola ham ovoz va harakatlar bilan qalbida kechgan shodlik tuyg'ularini aks sado kabi uzoq davom ettirishi istaydi. Bolani hayratga solgan narsalarga nisbatan aytish mumkin, bu — lazzat ifodasi, xuddi shu kabi, ammo oliy, yuksak hodisalar natijasi esa poeziya bo'ladi.

uyg'unlik raqs harakatlarida, qo'shiq musiqasida, so'zlar talaffuzida va olamning tasvirlanishida o'ziga xosdir. Chunki turmush hodisalariga turli taqdlarning tartibi va ohangi o'zgacha bo'lib, boshqasiga nisbatan kuchliroq va softroq lazzat baxsh etgan; zamonaviy mualliflarimiz mazkur uyg'unlikka yaqinlashish mahoratini did deb ataydi.

San'atning ilk davrida imkon qadar lazzat, huzur-halovot beruvchi ohangga rioya etganlar; ammo ifodalardagi farqlar, iste'dod go'zallikka yondashgan paytini hisobga olmaganda, anglar darajada u qadar aniq emas edi (chunki biz lazzatni uni paydo etuvchi sababga nisbatan ataymiz) — iste'dod go'zallikka yondashganda esa xolislik birlamchidir. Kingaki iste'dod berilgan bo'lsa, tom ma'noda shoir deb atalgan. Ularning qalbidagi tabiat va jamiyat ta'siri o'ziga xos aks etgan va bu e'tirof etilishi hamda boshqalarga namoyon bo'lishi asnosida lazzat

ikki hissa ko'paygan. Ularning tili jonli metaforalardan iborat edi yoki voqea-hodisalar o'rtasida avvaldan ma'lum bo'lmagan yangi munosabatlarni o'rnatgan. Bu topilmalarni imkon qadar saqlab qolganlari holda, ifodalangan tovushlar yig'indisi vaqt o'tishi mobaynida tushunchaning kategoriyasiga yoki ma'lum bir ma'nosi anglatuvchi so'zga, keyinchalik yaxlit predmetning obrazini ifodalovchi tushunchaga aylangan.

Vaqt o'tib, yana yangi shoirlar buzilgan his-tuyg'ularning o'zaro bir-birini eslatadigan birikmalarini qayta tiklab borganlar, aks holda yaratilgan so'zlar unutilib, til boyib bormasdi, o'lardi.

Bunday munosabatlarga lord Bekon a'lo darajada ta'rif berib, ular "turli predmetlarda qolgan tabiat odimlarining izlari" ekanini ta'kidlagan. So'zlarni tanlash, anglash qobiliyatini u har qanday bilimlar-

ning umumiy mohiyat manbahi deb hisoblagan.

Har bir mustaqil til, agar u o'z manbasiga yaqin ekan, mantiqsiz va betartib tarzda poemani namoyon etadi. So'z boyligiga tartib berilishi, grammatika qoidalarining tatbiq etilishi keyingi vaqtlarda bajarilgan ishlaridir. Bu poeziya tomonidan yaratilgan tilni shakllantirish, rasmiylashtirish, xolos.

Shoir mangulikka daxldordir: uning fikri uchun makon va zamon yoki son-sanoq ahamiyatsiz. Yuksak poeziya namunasi grammatik shakllar, makon va zamon, joy va shaxslar hech qanday yo'qotishlarsiz boshqasiga almashirilishi mumkin.

Esxilning xorlari, Iova kitoblari, Dantening "Jannat"i yoki buyuk haykaltaroshlar, musavvirlar va bastakorlarning asarlari yanada aniqroq misol bo'ladi.

So'z, rang, shakl, diniy va milliy urf-odatlar — bularning barchasi poeziyaning manbalari va materiallari hisoblanadi. Lo'ndasini aytganda, poeziya — birinchi navbatda, ritmik nutq bo'lib, insonning ichki tabiatidagi hukmron ehtiyoj — qalb amridan tug'iladi.

U, shuningdek, tilning tabiatidan ham yuzaga keladi, bevosita bizning ichki his-tuyg'ularimizni ifodalaydi. Til tasavvur hukmi bilan yaratilgan va butunligicha tafakkur hukmidadir, san'atning boshqa materiallari va vositalari bir-biri bilan bog'langan ekan, so'z fikr va ifoda o'rtasida munosabat o'rnatadi hamda ularni chegaralaydi.

Musiqaqichlar, haykaltaroshlar va musavvirlar, garchi ular katta iste'dod sohiblari bo'lib, o'z fikrlarini ifoda etish uchun so'zni tanlagan shoiridan kam bo'lmasalar-da, shon-shuhrat bobida hech qachon shoinga teng bo'lmaganlar.

Shunday qilib, biz "poeziya" so'zining mohiyatini poetik ibtidoing odatdagi va bir qadar takomillashgan san'at turlaridan ajratib oldik. Ammo unga yanada anqlik kiritish, ya'ni ritmik va noritmik nutqqa ajratish, ularning farqlarini o'rganish; odatdagi qabul etilgan nazm va nasr tafovutlarini ko'rib chiqish jiddiy ahamiyatga molik emas.

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasini.

## Hayot manzaralari

### Qopda yo'q "sovg'a"

Mehribonlik uyi.  
— Bolalar, ertaga Yangi yil. Qorbogoga xat yozsangiz, u bugun kechasi istagan sovg'angizni archa tagiga qo'yib ketadi, — dedi tarbiyachi.  
Hamma xat yozdi. Ammo tongni bolalar "sovg'asiz" kutib oldi. Chunki qorbogoning qopida "ota-onam" degan sovg'a yo'q edi.




### Ona — qalqon



Og'ir jangdan so'ng charchab uxlab qolgan askarning tushiga onasi kirdi.  
— O'g'lim, senga pochta orqali o'q o'tmas qalqon jo'natgandim. Hoziroq borib olmasang, dushman qo'liga tushishi mumkin...  
Uyg'onib ketgan askar tong otmagan bo'lsa-da, chaylidan chiqib, pochtaxonaga bordi. Biroq pochtachi uning nomiga hech narsa kelmaganini aytdi. Xafsalasi pir bo'lib ortiga qaytarkan, u tunagan chodirga dushman bomba tashlaganini ko'rdi.

### Boshqa janjallashmaysiz

Ona yetti yoshli o'g'ildan so'radi:  
— O'g'lim, nega toza dokaro' molni suvga solib qo'yding?  
Bolakay:  
— O'yijon, bugun ustozim bir maqol aytdi: "Er-xotin urushi — dokaro'mol qurishi" ekan. Mana, endi dadam bilan boshqa janjallashmaysiz.



### Qo'shnilar suhbatlari



Ayol suhbatdoshiga dedi:  
— Erimga "meni yaxshi ko'rmaysiz, e'tiborsiz bo'lib ketyapsiz", degandim. Ertasi kuni bir quchoq atirgul ko'tarib keldi, erim tushmagur.  
— Ha, men ham uch yil avval erimga xuddi shu gaplarni aytgandim. Endi har bahorda undan quchoq-quchoq sevimli gulim — lolajizg'aldok o'layman...  
— Zo'r-ku! Bunga qanday erishdingiz?  
— O'sha xarxashamdan so'ng, gul olib kelishga chiqib ketdi. Yo'lda esa avtohalokatga uchradi. Hozir qabri ustida har bahor faqat lolajizg'aldok o'sadi...

### "Dada, salom, pul tamom"

Talaba otasiga qo'ng'iroq qilib dedi:  
— Yuborgan pulingiz yetmayapti.  
Ro'zg'or aravasini zo'rg'a tortib, besh kishilik oilani sigir sutining puliga tebratayotgan ota:  
— Yaxshi o'qishing kerak. Pulni o'ylama, tez orada jo'nataman. Ikki kuni novvosni boqib qo'yibman, — dedi o'g'liga yolg'on gapirib.  
Oradan vaqt o'tib, o'qish o'rni yash-hishratga berilgan bolaning uyiga "Farzandingiz talabalar safidan chetlatildi", degan xat keldi.



Dilnoza ATO

### Bilasizmi?



Har kuni dunyoda 22 ming nafar bola ochlikdan nobud bo'ladi. Shu vaqtning o'zida dunyoning ko'plab davlatlarida ortib qolgan 30-50 foiz oziq-ovqat mahsulotlari tashlab yuboriladi.

### O'qing, bu qiziq!

Chaqalqlar 3 oylik bo'lgunicha ranglari farqlay olmaydi va butun dunyo ular ko'zlariga oq va qora rangda ko'rinadi.



Xitoyda biror yo'l patrul xodimidan ish vaqtida naqd pul topilsa, uni shu zahotiyoq ishdan ko'shatishadi. Naqd pul unga qayerdan kelganidan qat'i nazar.

Olimlarning baholashiga ko'ra yerdagi jonzoatlarning 86 foiz umuman o'rganilmagan, ya'ni ularni hali hech kim bilmaydi.



## Obidjon RO'ZIBOYEV Sukunat

Mana bugun ham dengiz shovqinidan uyg'onib, kun yorishmagan bo'lsa-da, ovga chiqib ketdi.

Jang'iboy ota Orolidagi eng keksa baliqchilardan biri bo'lishiga qaramay, abjirlikda uncha-muncha yoshni ortda qoldirdi. O'sha kuni ham u doimgidek baliq to'la qayig'ini birinchi bo'lib qirg'oqqa bog'ladi. To'g'ri, dengiz katta. Baliqlari ko'p. Lekin kuz kelib baliqlar ko'payishdan to'xtab, etga kirdi de-guncha bu yerda doimiy baliqchilardan tashqari "qarmoqchilar" ham ko'payib ketadi. "Qarmoqchilar". Dengizchilar ov mavsumi boshlanganda qarmog'i va to'rini ko'tarib kelib, sohil bo'yiga joylashib oladigan sayyoh va havaskor ovcilarni shunday atashar edi. Aslida ular ov qilgani bilan bir ummon baliq kamayib qolmaydi. Ammo dengizchilar

ov qilayotgan joylariga boshqalar kelishi ishdan baraka qochishiga sabab bo'ladi, deb irim qiladi.  
Jang'iboy otani bularning hech biri tashvishga solmasdi. U Orolidagi baliqchilar dengizdagi baliqlardan ko'p bo'lganda ham to'rini to'ldirib chiqishiga ishonadi. Negaki baliqchilik uning qonida bor. U eslay oladigan eng katta bobosi ham baliqchi bo'lgan. Ota ajdodlari bilan faxrlanar, shaharga ketgan nabiralari ham kelajakda u bilan xuddi shunday faxrlanib yurishini ich-ichidan istardi.  
Ikki odam zo'rg'a ko'taradigan baliq to'la savatini qayig'idan bir o'zi olib konserva zavodining tarozisiga qo'yar ekan, umrida birinchi marotaba qariganini sezdi. Yo'q, og'ir yukdan uning hech qayeri og'rimadi. Faqat tarozining prujinalari tortilganini eshitmadi. Aslida baliqchilar osonlikcha betob bo'lmaydi, sababi baliq qo'shti va dengiz havosi ularni kerakli vitaminlar bilan oziqlantirib turadi. Bu haqiqatmi yoki yo'qmi, ammo har holda



dengizchilar bunga qattiq ishonadi. "Balki prujinalar yog'langan bo'lsa, shunga eshitmay qolgandir", deb o'ziga dal-da berish uchun prujinalarni silab ko'rdi. Quruq. Qo'rquvi yanada ortib, ona tomondan ajdodlari, hatto onasi ham qariganda eshitmay qolganini eslab, ko'ngli cho'kdi.  
Jang'iboy ota sohil bo'yidagi chodiriga yetib borguncha xayolga berildimi yoki hali tasdiqlanmagan kasali birdan xuruj

qilib qoldimi, yo'lda unga salom bergan Amanbay baliqchiga ham, ovchi Maskop og'aning hurgan itiga ham parvo qil-madi. Chodirga kirib ketganida, chiqmadi. Faqat bir narsani, bu xastalik emas, shunchaki, ko'p ishlaganidan, hamma qatori oddiygina toliqqanidan ekaniga o'zini is-hontirmoqchi bo'ladi. Ertalab shaharga borib, quloq shifokoriga ko'rinaman, deb sandiqchisidagi pulni hisoblab ham qo'ydi. O'zidan-o'zi kuyinib qachon ux-lab qolganini ham sezmasdi. Ammo tongga yaqin qandaydir o'ta sokinlikdan cho'chib uyg'ondi. Negadir uyusiga doim xalajiq beradigan dengiz shovqinini ham es-hitmay qo'ldirib ketdi. Sovuq terga bot-gancha quloqlarini mahkam ushlab, sohil tomon otilib chiqdi. Endi quloqlar qolib, ko'zlariga ishonmadi. Dengiz sohildan ancha uzoqlashgan edi. Jang'iboy ota buni ko'rgandan ko'ra butun umrga ko'r va kar bo'lib qozilishni istadi.  
Oradan yillar o'tdi. Odamlar bora-bora xuddi dengiz suvlaridek asta-sekinlik bilan Orolni tashlab ketdi. Qariyaga Xudoyim umr berdi. Kar ham bo'lib qolmadi, ko'r ham. Ammo qolgan um-rini sahrada — suvning qaytishini kutib o'tkazdi. Nabiralari butun hayotini Orol-ga bag'ishlagan qariya haqida ko'p narsa bilishmasa-da, har-har zamon baliq ye-ganlarida uni eslab turadi.

### Saboq Mehnatsevar amaki bo'laman!

Urganch shahrida hayot qaynaydi. Bu ko'hna kentda mo'jiza bordek go'yo.  
Ko'chaga otlanamam. Atrof go'zal- ligidan zavqlanib, ajib hislar og'ushi-da shahar kezaman. Shu payt bir holat e'tiborimni tortdi.  
Ota do'kondan o'g'liga suv olib ber-di. Bola idishni bo'shatgach, tashlab yubormadi. Buni payqagan otasi idishni qo'lidan yulqib oldi. O'g'li: "Dadajon, chiqindi qutisiga tashlaylik", — dedi iltijoli ohangda. Erkak jahli chiqqanini bildirmaslikka harakat qilib, o'g'lining boshini asta siladi-da: "Qutini qayerdan topamiz?! Ko'cha tozalaydigan

mehnatsevar amakilaring bor, o'shalar yig'ishtirib oladi", deya javob berdi.  
Chamasi olti yoshli bolakay baribir bilganidan qolmay, yugurib borib suv idishni chiqindi qutisiga tashlab keldi va dadasiga qarab: "Anavi kuni kat-ta bo'lsang kim bo'lmoqchisan, deb so'ragandizingiz. Bu savolga endi javo-bim bor. Katta bo'lsam, mehnatsevar amaki bo'laman!"  
Boladan bu gapni sira kutmagan ota hayratdan donug qotdi. Xato ish qilgani-ni tushunib, boshini quyi solganicha yo'lida davom etdi.

Sarvarbek XUDOYNAZAROV

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi hamda akademiyasi qoshidagi Yoshlar muammolarini o'rganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash instituti jamoasi institut direktori Aktam Jalilovga akasi  
**Jalilov Xolmaxmat Toshnazarovichning**  
vafoti munosabati bilan ta'ziya izhor qiladi.

**MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI**  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

**BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI**  
Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Molodezh' Uzbekistana"), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Molodezh' Uzbekistana")

**Navbatchi**  
Bunyod ABDULLAYEV  
**Dizayner**  
Xurshid ABDULLAYEV

**Tahririyat manzili:** 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. **Telefonlar:** (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

"Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida, A-2 formatda chop etildi. **Hajmi** — 2 bosma taboq. **Korxonalar manzili:** Buyuk Turok ko'chasi, 41. **Indeks:** 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. **Buyurtma G-713 Adadi** — 19063. **Bosishga topshirish vaqti** — 21.00 **Topshirishi** — 21.45

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahlalandi.

1 2 4 5 8